

МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ № 71-СОНЛИ ШАРТНОМА

Мархамат тумани

«5» январ 2021 й.

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Мархамат тумани Мактабгача таълим бўлими Номидан Низом асосида фаолият олиб борувчи С.Шамшиева бир томондан ва бундан буён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи “Нематжон ота файз 2020” деҳқон хўжалиги номидан Низом асосида фаолият олиб борувчи Н.Аброров бошқа томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида тўздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, етказиб берувчи эса қуйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг Номи	Лот №	Ўлчов бирлиги	миқдори	нархи	Умумий суммаси
1	Картошка (захира)		кг	6438	5000	32190000
	Жами					32190000

1.2 Шартноманинг умумий суммаси **32190000** (Ўттиз икки миллион бир юз тўқсон минг) сўм.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1 “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлимасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 30 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 10 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва б. асосида тўлайди.

2.2 “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3 “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТга мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4 “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманномада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5 Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш буйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6 Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7 Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Буюртмачининг ҳуқуқлари:

3.1.1 Етказиб берувчидан Шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш; Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларидан бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

3.1.2 Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманномага кўра мазкур шартномага мувофиқ тегишли сифат ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш.

3.1.3 Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш; камчиликларни беғараз бартараф этиш;

3.1.4 Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.2.1 мазкур шартномага мувофиқўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни кабул қилиш;

3.2.2 товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3 Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.3.1 “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

3.3.2 Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда кабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4 Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

3.4.1 Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрларидан ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўлқўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 10 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларини беғараз бартараф эттириш.

3.4.2 Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1 Буюртмачи:

4.1.1 савдоларни ўтказиш учун Такдим этилган ҳужжатларини ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги жавобгардир:

4.1.2 томонлар ўртасидаги шартнома Мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.1.3 Товарларни танлаб олмастик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

4.1.4 Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг қанолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.1.5 Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.1.6 Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.2 Етказиб берувчи:

4.2.1 савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги,

4.2.2 миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

4.2.3 савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

4.2.4 тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.2.5 Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортиментини ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳужалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни кабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.2.6 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган

кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ-бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2.7 Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2 Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни хал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3 Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1 Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлик озод бўладилар.

6.2 Энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, кургокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шартномада томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар қиради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4 Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Ушбу шартномала томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йил “31” декабригача амал қилади.

8.2 Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3 Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

Номи: “Нематжон ота файз 2020” д/х
Тел: _____

Номи: Марҳамат туман МТБ
Манзили: Марҳамат тумани Шомағ МФЙ

Манзили: Мархамат тумани
Хисоб рақами: 20208000905305561001

Банк номи: Миллий банк Мархамат филиали
МФО: 00955, СТИР: 307908184
ХХТУТ: 21210

Раҳбар: _____
Н.Аброров
Ф.И.



Тел : _____
ШХВ: 400522860032277091100251001
ШХВ*:

СТИР: 305155325, ХХТУТ: 85100
Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги
Газначилиги Ягона газна хисоб вараги
Газна х/р : 2340 2000 3001 0000 1010
МБ ББХКМ Тошкент шаҳар
МФО: 00014 СТИР: 20122919

Раҳбар: _____
С.Шамшиева
Ф.И.



**ҲУРИДИК АҲАМИЯТГА ЕГА ҲУЈЈАТЛАРНИНГ ҚОНУН
ҲУЈЈАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТО‘Г‘РИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

№ GF74717665

1. Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi

“Ne’matjon ota fayz 2020 yil” dehqon xo’jaligi tomonidan Maktabgacha ta’lim bo’limiga mahsulot yetkazib berish to’g’risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot

Maktabgacha ta’lim bo’limi 13.01.2022 yil.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsult



K.Abdusalomov

14.01.2022 yil